https://gospodarkainnowacje.pl GOSPODARKA I INNOWACJE

LABORATORIUM WIEDZY Artur Borcuch

Volume: 30 | 2022

Economy and Innovation
ISSN: 2545-0573

# БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ФИКРЛАШ ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**Жураева Гулмира Зуфаржон кизи**

*ФарДУ мустакил тадкикотчиси*

**ARTICLEINFO.**

***Kalit so'zlar:***

**Аннотатция**

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатни шакллантириш ва фикрлаш тарзини ривожлантириш устувор педагогик вазифалардан бири ҳисобланади.

http://www.gospodarkainnowacje.pl/ © 2022 LWAB.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатни шакллантириш ва фикрлаш тарзини ривожлантириш устувор педагогик вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса чет тилларини ўқитиш таълими учун ўқитишнинг янгича йўналишлари, ёндашувлари ва тамойилларини олиб кириш мажбуриятини юклайди. Олий таълимнинг муҳим вазифаларидан бири меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган ҳар жиҳатдан етук рақобатбардош кадрлар тайёрлашдир. Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг Web-квест технологияси асосида ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришда энг асосий устувор вазифа уларни янгича тафаккур ва теран интеллект соҳиблари қилиб тарбиялаш эканлиги аён бўлмоқда. Ўзбекистонда ҳам бўлажак хорижий тил ўқитувчиларини ўқитишда, лингвистика соҳа кадрларини тарбиялашда улар учун зарур бўлган ахборотларни таҳлили қилиш кўникмаалрини шакллантиришда мутахассислик фанлар билан ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамкорлигига асосланган педагогик жараённи йўлга қўйиш ва аниқ кейсларга асосланган педагогик технологияларни ишлаб чиқиш зарурати бор.

Бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришнинг ўзига хос педагогик хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- бўлажак хорижий тил ўқитувичларининг тил ўрганишига комплекс ёндашув, уларда мутахассислик фанлари билан бирга ижтимоий-гуманитар фанлар асосидаги билимларни шакллантириш, таълим жараёнини сўнгги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш;
- бўлажак хорижий тил ўқитувичларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни ривожлантириш асоси бўлган теран ва танқидий фикрлайдиган, креатив, обектив позицияда тура оладиган шахс сифатида шакллантирувчи илмий муҳитни яратиш;
- педагогик жараёнида бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг касбий фаолиятида жуда фойдали бўлган мантиқий фикрлаш ва бу асосида шаклланадиган таҳлилий тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион методикасини жорий қилиш;



Copyright © 2022 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларига индивидуал ва жамоада ишлаш кўникмасини сингдириш, даврга, ижтимоий муҳитга мослашувчанлик, муаммони ўрнида ҳал қила олиш имкониятини шакллантиришга оид махсус билимлар бериш, бу хусусиятларни шакллантириш зарур;
- бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида ахборотларга танқидий ва таҳлилий муносабатни шакллантиришда назарий билимлардан чекланиб, амалий “кейс”лар билан ишлаш методикасини ишлаб чиқиш.

Малакали мутахассислар тайёрлашга янгича, инновацион ёндашув Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади[16]. Инновацион ёндашув мутахассислар тайёрлашда шу давргача устувор бўлиб келган режа асосида билим олиш усулидан тубдан фарқ қилади. Таъкидлаш лозимки, бу жараён тезлашаётган ижтимоий тараққиёт, инсон меҳнат шароитининг ўзгариши каби омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Аригона университети профессори Давид Конлейнинг «мия одати» илмий фаразига кўра, талабанинг билим олишдаги энг асосий муваффақияти аналитик тафаккури, қизиқувчанлиги, қатъиятлилиги, муаммони еча олиш истаги, сабабиятни англаш лаёқати ва мантиқий тафаккури ҳисобланади[140]. Демак, ахборотни шунчаки таҳлил қилмасдан қабул қилувчи, танқидий фикрлаши суст бўлган мутахассилардан кўра танқидий ва таҳлилик тафаккури кучли бўлган кадрларнинг самарадорлиги юқори ҳисобланади.

Хулоса қилганда, бўлажак хорижий тил ўқитувчиларининг ахборотларга таҳлилий ва танқидий муносабатини шакллантиришда Web-квест технологияси юқори самарадорликка эга ва бўлажак мутахассисларда жамоада ишлаш қобилияти, уларнинг ютуқларини баҳолаш, таҳлилқилиш, мустақил ва ижодий фикрлаш ва катта хажмдаги ахборот оқимини бошқариш кўникмаларини ривожлантиришда ҳам керакли технология сифатида эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам бўлажак хорижий тил ўқитувчиларида аналитик тафаккурни ва танқидий муносабатни ривожлантиришда бу технологиянинг имкониятлалридан фойдаланиш керак бўлади.

**Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент: Ўзбекистон. 2018, -Б. 6-7.
2. Таълим тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2020 йил 23 сентябрь. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3160-сон «Маънавий – маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида »ги Қарори. // Халқ сўзи. 2017 йил 28 июль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги ПФ-5106-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 27-сон, 607-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 92 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизни софлигини асраш – давр талаби” мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи / “Халқ сўзи” газетаси. 2017



Copyright © 2022 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

7. Zufarjonovna, J. G. (2022). USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, *11*, 161-164.
8. Zufarjonovna, J. G. (2022). BENEFITS OF USING WEB-QUEST TECHNOLOGY IN ENGLISH LESSONS AS FOREIGN LANGUAGE. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, *11*, 158-160.
9. Жўраева, Г. З. (2022). БЎЛАЖАК ХОРИЖИЙ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ WEB-КВЕСТ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА АХБОРОТЛАРГА ТАҲЛИЛИЙ ВА ТАНҚИДИЙ МУНОСАБАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, *2*(10), 235-238.
10. Azimbayevna, D. G., & Vohidovna, X. X. (2021). FEATURES IN THE TRANSLATION OF MEDICAL TERMS. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, *9*(11), 470-474.
11. Mirxamidovna, M. G., & Musinovna, S. H. (2022). Communicative Characteristics of Proverbs and Languages. *International Journal of Formal Education*, *1*(10), 11-17.
12. Nodira, U. (2022). THE IMPACT OF MODERN METHODS ON THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL SYSTEM. *Gospodarka i Innowacje.*, *29*, 362-363.
13. Urinova, N. (2022). THE ROLE OF STORY-BASED LEARNING APPROACH IN ENGLISH LANGUAGE TEACHINGTHE ROLE OF STORY-BASED LEARNING APPROACH IN ENGLISH LANGUAGE TEACHING. *Science and innovation*, *1*(B7), 375-378.
14. Nodira, U. (2022). THE ENHANCEMENT OF METHODOLOGY IN THE MODERN EDUCATION. *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429*, *11*(11), 31-33.
15. Nodira, U. (2022). The Importance of Modern Methodology in the Educational System. *Miasto Przyszłości*, *29*, 98-99.



Copyright © 2022 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0